

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 135 (2399)

● 1991 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ

● ШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН.

ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНАЙЛИК

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазири.

Ассалому алайкум, азиз ҳамкасблар!

Аввало сизларнинг ҳар бирингизини эртага нишонландиган анъанавий касб байрамимиз билан чин дилдан муборакбод этмоқчиман, мустақкам соғлиқ-саломатлик, ташвишли ва таҳликали ишларингизда омад тиламоқчиман.

Инсон — ҳаётнинг гултожи дейдилар. Бас, шундай экан, у покиза ва мусоффо осмон остида тинч ва хотиржам ҳаёт кечиришга, ҳалол меҳнат қилиб, онла тебратишга ҳақли. Айниқса, мустақил жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқаросига бахтиёрлик, шод-хуррамлик ва кўтаринки кайфият ярашади. Уларнинг юзларидаги табассумни асраш эса сиз ва бизнинг зиммамизга юклатилган.

Бу йилги қутлуғ айём арафасида ана шу вазифани қай даражада адо этаямиз — шу ҳақда фикрларимизни ўртоқлашиб олсак, ёмон бўлмайди менимча.

Халқимиз шони қурмакисиз бўлмайди, деб бежиз айтмаган. Минг афсуски, яратиш ва яшатиш завқи билан меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз орасида текин томоқ, порахўр, каззоб, безори, муттаҳам шахслар йўқ эмас. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 46 минг нафар ана шундай кимсалар аниқланди ва қидириб топилди. Шуларнинг 32 минг нафари эса қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳозир жумҳуриятимиз аҳолиси қийин иқтисодий тағлиқ шароитида кун кечирмоқда. Ишқилиб, бундай тағлиқнинг умри қисқа бўлсин, аммо бир ҳовуч кимсалар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишяпти. Милиция ходимлари эса томошабин бўлиб турганлари йўқ. Бу борада 14 минг 796 марта қонун бузиш ҳоллари аниқланди. Шулардан 674 таси йирик миқдорда давлат ва жамоатчилик мулкани талон-тарож қилишдир.

Қўлаб нафси ўшқовлар етишмовчилик пайтида мўмай пул топиш учун озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва қурлиш материалларини жумҳуриятдан четга олиб чиқиб кетишига уринмоқдалар. Ҳамкасбларимизнинг бу борадаги хизматлари ҳам мақтовга сазовордир. Негаки, қаллоблар қўлидан олиб қолинган моллар миқдори шу кунгача бир неча ўн миллион сўмликни ташкил этди.

Бундан ташқари ғайриқонувий равишда сақланаётган 2 минг 933 та ўқотар қуроллар тортиб олинди. Бу қанчадан-қанча қонхўрликларнинг олди олинди деган сўз билан баробар.

63 минг нафар ичкиликбоз тиббий ҳушёрхоналарга олиб келинди, 117 минг киши эса маст-аласт бўлиб, қонунбузарлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди, яна шунга ўхшаш 14 минг кишига нисбатан тўпланган ҳужжатлар муҳокама қилиб, жамоат иззаси бериш учун уларнинг иш жойларига юборилди.

38 мингга яқин маст ҳолатда улов бошқариб бораётганлар ҳам тегишли равишда жазоланди.

Бу ишларнинг ҳаммасида сизларнинг бевосита хизматларингиз бор. Агар чуқурроқ мулоҳаза юритилса, бу ишларингиз тавлаган касбга садоқатларингизнинг ёрқин намунасикир.

Иш бор жойда камчилик бўлади, дейдилар. Худди шунингдек, ютуқларимиз қанчалик залворли бўлмасин, уларнинг соясидаги қусурларимиздан ҳам кўз юма олмаймиз. Энг ташвишлиси, айрим ҳолларда оддий фуқаролар милиция ходимларига ишончасизлик билан муносабатда бўлишади. Иложи борича улардан узоқроқ юришга ҳаракат қилишади. Керак бўлганда қувончу ҳасратларини баҳам кўришмайди. Бунинг сабабларини эса яна ўша ходимларнинг қўпол ва калондимогликлари билан қидириш керак.

Мен бу вазифага яқинда тайинландим. Энг дастлабки режам осойишталик посбонлари ўртасидаги ана шундай иллатга нисбатан муросасиз бўлиш. Ана шундагина халқ бизни ўз милицияси сифатида ардоқлайди, қайноқ меҳрини бағишлайди, дилини ёради, маслаҳат сурайди, лозим бўлганда ёрдамини аямайди. Зеро, эндиликда биз учун бошқа йўл йўқ.



ЙИГИРМА олти йил. Утдию кетди. Аммо бир умрга хотирага муҳрланди. Ҳар бир кўни йилга татигудек эди у дамларнинг.

Милиция катта сержанти Бобир Бобоев аввалига Фрунзе тумани ички ишлар бўлимида, кейин Чилонзор тумани ИИБнинг соқчилиқ бўлимида бригадир бўлиб хизмат қилди.

Бобир Бобоевни ҳамкасблари қаттиқ ҳурмат қилишади. Кези келганда ундан маслаҳатлар сўрашар, йўл-йўриқлар олишар эди.

Шунинг учун ҳам хайрлашув чоғида улар Бобир акага ўзларининг самимий миниатюрчиликларини изҳор қилдилар.

Бобир ака эса ўйларди: «Мана, энди ҳаммаси ортада қолди. Елкада чопон, бошда дўппи, қўлда гулдаста билан қариллик остонасидан ҳатлаяпман. Аммо ўтган кунлар унут бўлармиди!»

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЗАВОЛ КЎРМАНГ

Касбим ўқитувчилик. Немис тилидан дарс бераман. Оилада уч кишимиз. Мен, ўғлим ва қизим. Тўртинчимиз — оиламиз суянчиги милицияда — вилоят ИИБда ишлар эдилар. Не қилай, пешонамизга сизмадилар.

Фарзандларим ўксимасин деб, ҳам она, ҳам ота бўлдим. Худога шукурки, нуридийдаларим ақлли, одобли бўлиб камол топишяпти.

Ички ишлар вазирлиги томонидан 256 сўм нафақа оламан. Вилоят ИИБ доимо ёрдам қўлини чўзиб келаяпти. Раҳбарият — Абдусамод Ҳасанов, Бахтиёр Мирзахўжаев, Маматқул Қаршибоевлардан чексиз миннатдорман. Мана, яқинда ҳам 130 сўм моддий ёрдам олдим.

Маънавий мададни эса мен «Постда» рўзномасидан олаяпман. Шу сабабли келаси йил учун ҳам «Постда»га обунга бўлдим. Уйлайманки, у яна ҳам одилроқ, яна ҳам ўткирроқ, яна ҳам дадилроқ йўлдан бораверади.

Байрам арафаси кунлари олтидан тахририят ходимларига, улар орқали осойишталик йўлида тун ва кунни фарқламаётган милиция ходимларига сабр-қаноат тилайман. Оилалари, фарзандлари бахтига омон бўлишсин. Бевақт заводдан худойимнинг ўзи асрасин.

Норҳол ҚУРАМАТОВА,
Жиззах вилояти, Ш. Рашидов номли мактаб ўқитувчиси.

ХАЛҚ — КЎЗГҮ

ҚАНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛЯПМИЗ?

Жумҳуриятимизда тинчлик посбони деган номни оқлаб, нонини ҳалоллаб еяётган милиция ходимлари анчагина.

«Мен Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида механизатор бўлиб ишлайман, деб ёзибди Владимир Қодиров номли давлат хўжалигидан Рўзимурод Шодиев. Менга янги трактор беришди. Шунга олиб келиш учун Тошкентга бордим.

Тракторни ҳайдаб, йўлга чиқдим. Жиззах вилояти ҳудудига, аниқроғи Сальвадор Альенде номли хўжаликка келгач, овқатланиб олмоқчи бўлдим.

Қайтиб келиб қарасам, тракторнинг эҳтиёт қисмлари солинган қути йўқ. Тўғриси умидимни уздим. Шу пайт участка вакили келиб қолди. Воқеани билгач, бирга юришимни илтимос қилди. Мен кўнмадим.

Садқан сар деб 50-60 километр йўл босдим. Ногоҳ орқамдан боғи участка вакили етиб келди. «Меҳмон, кечирасиз, сизни ранжитган нобакорни аниқладим, мана омонатингиз», — деб йўқолган қутичамни қўлимга тутқазди.

Шошилганимдан раҳмат айтишни ҳам унутибман. Исми Бахтиёр эди. У ҳақда бошқа ҳеч қанақа маълумотим йўқ...»

Қашиқадарёлик Аминахон опа Қосимова эса бедарак йўқолган қизини топиб бер-

ганлари учун Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ходимларига миннатдорчилигини етказишимизни сўраган. У кишининг ёзишича, 26 июнь кўни кеч соат бешларда уйлари олдига рақамсиз машина келиб тўхтаган. Машинадагилар 23 ёшли Шарофатни олиб қочганлар, Оғзига латта тиқилган қиз дод солиб, бошқаларни ёрдамга чақиришга ҳам улгуролмаган.

Уч ой деганда Шаҳрисабз шаҳри ИИБ ходимлари Сайфиддин Ҳайдаров, Зоир Юсупов, Муҳаммади Раҳматов ва Музроб Турсуновлар онаизор дардига малҳам қўйишди. Шарофатни Толлимаржондан топиб келишди.

Ана шу борадаги фикр-мулоҳазаларни янада кенгайтириш учун Тошкент кўчаларида дуч келган кишига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Шу пайтгача милиция ходимлари ёрдамидан баҳраманд бўлганмиз?

2. Мураккаб вазиятга тушиб қолгудек бўлсангиз (аввало бундан ўзи асрасин), тинчлик посбонлари дардингизга малҳам бўлишига ишонасизми?

3. Умуман ички ишлар соҳаси ходимлари фаолиятига қандай баҳо берасиз?

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚ — КЎЗГҮ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Одамзоднинг табиати ҳар қил. Баъзилар ҳатто саволимизни эшитишни ҳам хоҳлашмади, қўл силтаб йўллариди давом этишди, баъзилар эса ўз нуқта-назарларини биз билан баҳам кўришди.

ҲАМИДУЛЛА ҲАСАНОВ, муҳандис-конструктор:

1. Бундай воқеа бўлмаган.
 2. Йўқ, ишонмайман. Керак пайтида уларнинг кўпчилигини топиб бўлмайди.
 3. Тартиб-интизомни қучайтириш, тарбиявий ишларга зўр бериш лозим.
- МИРЗА АБДУЛЛА, журналист:**
1. Йўқ.
 2. Ҳар ҳолда ишонаман. Аммо шולי курмаксиз бўлмайди. Улар орасида ҳам «курмак»лари бор.
 3. «Курмак»лардан қутилиш керак ва бу зарур.
- АНОР НАЗАРОВ, бас-**

такор:

1. Эслолмайман.
2. Ишонаман. Уларга ҳурматим зўр. Ҳатто улар орасида дилтортар дўстларим ҳам анчагина.

ҚАНДАЙ ХИЗМАТ

ҚИЛЯПМИЗ?

3. Милицияни расмиятчиликнинг кўзга кўринмас ипларидан озод қилиш шарт. Яқин-яқинларгача, мисол учун айтганда, рўномалар таҳририяти жойлашган бинони милиционерлар қўриқлашарди. Махсус рухсатнома олмагунингизгача ичкарига қўйишмасди. Чунки уларнинг йўриқлари шунақа эди. Кулгили. Гу-

воҳномасини кўрсатган бастакор у ёққа кириб олиб, бирор нарса ни кўтариб чиқиб кетмас?!

Ҳозир у ерда ўша тартиб йўқ. Аммо бошқа жойларда шунга ўхшаган асаббузарликларга дуч келсан, киши.

ИСМОҒИЛ ФАТТОҲОВ, журналист:

1. Шахсан ўзим бундай ҳолатга дуч келмаганман.
2. Бўлмасам-чи!
3. Кўп жойларда милицияга асоссиз таъна тошлари отилади. Асоссиз деганимнинг боиси, аксарият ҳолларда милициянинг ўзи ёрдамга муҳтож. Қонунларимизнинг номукамаллигини айтаяпман.

Қатрада қуёш акс этганидек, ана шу савол-жавоблар ҳам қандай хизмат қилаётганимизни яққол кўрсатиб турибди. Демак, ютуқлардан руҳланишга ҳақлимиз, камчиликларни бартираф этишга эса бурчлимиз.

Раҳмонали ҚОСИМОВ, Музаффар ТҲИЧИЕВ.

ШОГИРД СЎЗ СУРАЙДИ

УСТОЗ

ҲАЁТНИНГ турли томонга йўналган сўқмоқлари олдида қайси биридан юришни билмай, иккиланиб қолдингиз. Қай бири ҳақиқат, адолат йўлига қай бири... — билломай ҳалакдасиз. Шунда олдингизга бир одам келди-да, сизни тўғри, одил йўлдан бошлаб кетади. Шу инсон раҳнамолигида ишингиз олға юришади, қийинчиликларни енгиб ўтасиз. Ва юрагингиз туб-тубидан бир сўз бўй кўрсатади — УСТОЗ!

Тўрақўрғон тумани ички ишлар бўлими балоғатга етмаганлар билан ишлаш назорияти (БЕИН) бошлиғи, милиция майори Абдулазиз Худойберганов ана шундай устоз каломига мўъассар инсонлардан. У Тошкентдаги ўрта милиция мактабини тамомлаб келгандан сўнг, дастлаб Поп тумани ИИБда участка вакили бўлиб иш бошлади. Орадан икки йил ўтиб, Тўрақўрғон тумани ИИБда БЕИН бошлиғи лавозимини хизматини давом эттирди ва эттирди.

Еш ходимлар оғир, чигал ишлар, турли ҳаётий масалалар борасида Абдулазиз акага маслаҳат солган пайтлариди ҳеч қачон терс жавоб эшитмаганлар. Чунки у кишида бундай номулоимлик йўқ, ҳар қандай масалаларни яқунда етказишда қачон бўлмасин ёрдам берадилар.

Участка вакили, милиция капитани Х. Мирзаев, паспорт столи бошлиғи, милиция катта лейтенанти М. Турсунов, БЕИН участка вакили, милиция капитани А. Давидов, милиция катта лейтенанти Л. Аҳмадалиев, милиция старшинаси Н. Сайдуллаев, участка вакили, милиция лейтенанти А. Жамолов каби йиғиларимиз ифтихор билан Абдулазиз акани устоз, дея тилга олишади.

А. Худойберганов ўз касби, қолаверса, инсонийлик юзасидан ҳаётнинг турли қийинчиликларига дош бера олмаган қанчалаб ёшларга тўғри йўлни кўрсатди, бебошлик, безорилик ботқоғига ботишдан сақлаб қолди.

Заҳматли меҳнатлари эвазига «Милиция аълочилиси» кўкрак нишони, иккинчи ва учинчи даражали «Бенуқсон хизматлари учун» медаллари билан тақдирланган бу инсон, ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

Яқши одамларни пурҳикмат дейишди, чехрасидан нур ёғилади дейишди, ажойиб инсон дейишди. Абдулазиз ака Худойбергановга нисбатан шундай баҳо берганлар ҳеч адашмайди.

Шоира ҚОСИМОВА, Тўрақўрғон тумани ИИБ ходими, милиция капитани.



Аслида қизлар орасида ҳам милиция касбига қизиқувчилар анчагина. Бироқ, уларнинг довуракларигагина форма кийиш насиб этади, холос.

Чехрасида табассум порлаб турган бу аёл ҳам бир вақтлар милиционер қизларни кўрганда уларга ҳавас билан боқарди. Ниҳоят унинг ҳам орзуси ушалди. Жамила Юнусова дастлаб муаллимлар тайёрлайдиган олийгоҳда таҳсил олди. 1975 йилда эса ҳеч иккиланмай ички ишлар идорасига келиб мақсадини айтди. Кўринишидан нозиккина бўлган бу қизнинг сазасини ўлдирмадилар. Ҳозир Жамила Юнусова милиция капитани. Ҳамза тумани ички ишлар бўлимида балоғатга етмаганлар иши бўйича инспекция ходими. Унга бириктирилган ҳудудда яна учта участка вакили иш олиб боради. Жамила эса ёшлар билан шуғулланади. Мана шундан ҳам бу аёлнинг қанчалик уддабурон ва тиришқоқ эканлигини билиб олса бўлади.

Онлада она, ишхонада офицер бўлган Ж. Юнусова ҳавас қилса арзийдиган икки фарзандини тарбиялаб вояга етказмоқда.

И. МИНАҲВАРОВ.

ҒАНИЖОН Паттаев 1975 йилдан буён Тўрақўрғон шаҳар ИИБ ДАН бўлимида назоратчи бўлиб ишлаб келмоқда. У ўз ишини пухта билиши, қондабузарларга қаттиқ талабчанлиги билан ажралиб туради. Ғанижон милиция байрамини муносиб ютуқлар билан қутиб олиш ниятида ҳаракат қилаётган назоратчиларнинг энг фаолларидан биридир.

СУРАТДА: милиция лейтенанти Ғ. Паттаев.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.



Уктам яқин дўсти Акрам Исоқовни ҳар кўрганида гина қилаверарди.

— Бирор марта ҳам бизнинг бормагансан. Уртоқчилигини қадрлаш керакда. Ундай қилмай, энди, бир кунт қилгин. Автобусдан тушасану рўпарадаги чойхонага кирасан. Дуч келган одамдан сўрасанг, уйимни кўрсатиб кўяди.

Акрам ўйлай-ўйлай меҳмонга бориб, дўстини хурсанд қилмоқчи бўлди. Тўра-

МЕҲМОНГА «ИЛТИФОТ»

кўргонга йўл олди. Автобусдан тушгач, чойхонага кириб, бир йигита мурожаат қилди.

— Кечирасиз, Уктамнинг уйи қаерда, айтиб беролмайсизми!

— Э, меҳмонмисиз! — деди йигит уш тавозе билан ва яна мулозамат қила кетди. — Меҳмон атои худо деганлар. Юринг, кузатиб кўяман.

ТАРИХНИНГ ТИЛСИЗ ГУВОҲИ

Тақвимдаги қизил билан ёзилган рақамлардан бири бу — 10 ноябрь Минг тўққиз юз ўн еттинчи йилнинг худди шу куни (эски тақвим бўйича 28 ноябрь) шаҳар кўчаларида ғалати кийимли кишилар пайдо бўла бошладилар. Улар эл осойишталигини таъминловчи посбонлар милиционерлар эди.

Орадан қанча сувлар оқиб кетди. Милиция ҳамон халқнинг кўз ўнгига. 74 йилдан бери ўз фаолиятига тегишли бўлган барча ишларни сидқидилдан бажариб келяпти. Утган йиллар...

Улар жуда суронли кечди. Бу ҳақда Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон милицияси тарихи музейи атрофлича ҳикоя қилади.

Музей 1974 йилнинг 9 ноябрида ташкил топган (1976 йилда унга «халқ музейи» номи берилди). Музейни ташкил этишда милиция подполковниги, марҳум Мирзаназар Каримовнинг ҳиссаси беқиёс. Унинг тинимсиз изланишлари, кимлардан илтимос қилиб, сўраб югуриб-елишлари туфайли музей йилдан-йилга турли-туман экспонатлар билан бойий бошлади. Аввалига у биргина залдан иборат бўлган бўлса, кейинчалик (ички ишлар вазирлиги ҳузурига кўчирилгандан сўнг) олтинга зални тўлдирди. Унда ҳозирги кунда олти минг экспонат ва ўн икки минг ўтмишдан сўз очувчи ҳужжатлар мавжуд.

Музейни безатишда иқтидорли rassom Алексей Кирьяковнинг хизматлари ҳам жуда юқори бўлди.

Минг марта ўқигандан, эшитгандан бир марта кўрган маъқул дейдилар. Келинг, музей ичкарисига қадам босиб, ўтган кунларга, ўша давр қаҳрамонлари ҳаётига бир назар ташлайллик.

Кираверишда, ўнг қўл томонда мотам либосига ўранган она ва ғусса чулғанган ўғилнинг деворий ҳайкали. Пойқадамда икки дона чиннигул. Мангулик рамзи — шам милт-милт ёниб турибди. Муштирапарнинг ҳам ўнг ёни, ҳам чап ёни, ўғил-қизлари билан лиқ тўла. Тўғрироғи, суратлари билан. Рамазон Назаров, Обид Гадов, Ҳамида Усерова, Қодиржон Тожибоев, Барот Самадов...

Уларнинг фанодан кетганларига, халқим, элим, деб жон фидо қилганларига анча бўлди. Улар қабири устида чечаклар неча бор яшнаб сўлди...

Ичкарилаймиз. Деворларда ранги ўнгиган суратлар, қадимий кийим-кечаклар, ойналар остида сарғайган ҳужжатлари сири кўчган нишонлар...

Биринчилардан бўлиб милиция формасини эғнига илган, оддий милиционерликдан то бошқарма бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтган инсон — Жўрабек Остонов (ҳозир ҳам ҳаёт) ўзининг сурати, кийимлари, нишонларини музейга тақдим қилган.

Туркистонлик биринчи милиционер-аёл Розия Отажонованинг қоғозга муҳрланган сиймоси ҳам бизга нималарнидир эслатгандек бўлади.

Заллардан биридаги ўқ тегиб йиқилган, ўлаётган туясининг устидан тушмай ҳамон отаётган чекист ҳайкали, пулемётлар, наганлар, тўппончалар, қоремилтиқлар, кейинги авлод умуман кўрмаган, номини ҳам билмайдиган совуқ қуроллар тарих варағини оқартирган ёки қорайтираётган доғлар эмасми? Улар ортида неча минглаб инсонлар тақдири чирқирайди.

Музейда ашаддий жиноятчилардан олинган қуролларга ҳам жой ажратилган. Улар турли-туман. Анжомларнинг совуқ кўринишига қараб, уларни ушлаган кимсаларнинг нечоғлик ваҳшийлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Фарғона воқеалари... Бу фожиядан бевосита огоҳ бўлганларнинг қанчалик қон ютганлари, зардоб ичганлари, милиционерларнинг жон олиб, жон берганлари маълум. У ҳам тарихга айланди. Тарихнинг сиёҳ чаплаган, алвон ранг билан қопланган саҳифасига айланди. Уша даҳшатли дамларда осойишталик посбонлари учун жуда-жуда оғир бўлганлигини забонсиз суратлар унсиз сўзлаб беради...

Кейинги хоналардан милициянинг, ўт ўчирувчиларнинг замонавий асбоб-анжомлари ва бошқа турли нарсалар ўрин эгаллаган.

Умуман, музей ҳақида, ундаги тарихий обидалар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Чикки эшиги олдида қўйилган альбомдаги дасхатлар ҳам буни тасдиқлайди. Вилоятлардан, жумҳуриятлардан, хорихий мамлакатлардан ташриф буюрганлар қолдирган битиклар мазмуни қисқача шундай: «Музей беқиёс бойликка эга. Унинг ташкилотчилирига, ходимларига минг бор ташаккур!»

Мен музей бошлиғи милиция майори Мухтор ака Мирзаевни суҳбатга тортдим.

— Ушбу миннатдорчилик сўзлари, — деб гап бошлади Мухтор ака, — аввало, Мирзаназар ака ва Алексей Кирьяковлар шаънига айтилган. Уларнинг меҳнатларига берилган самимий баҳолар.

Энди бевосита музейга қайтадиган бўлсак, унга ҳар йили ўртача ўн минг киши ташриф буюради. Улар орасида мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, курсантлар бор. Музейимиз ҳамма учун очик.

Биз Алексей Тимофеевич билан биргаликда Мирзаназар аканинг ишини давом эттириш учун бор имкониятимизни ишга соламиз. Бу — қарз ва фарз. Мухтор акага ташаккур билдириб, эшикка йўналарканман, кўзим яна мушфиқ онаизор ҳайкалига, суратларга тушди. Бош эгиб остона ҳатладим. Шам липиллаганича қолди...

Эркин САТТОРОВ.

эса чўнтакларини титиб, бор пулини, ҳатто шимини ҳам ечиб олишди.

— Энди туёғингни шиқиллат, — дейишди ва қўшиб кўйишди. — Бировга чурқ этсанг, шундай қиламизки, мурдангни ҳеч ким тополмайди.

ИИБ бошлиғи милиция подполковниги М. Тожибоев раҳбарлигидаги оператив гуруҳ зўравонларни ярим соат ичиде қўлга туширди.

Н. МАМАЖОНОВ.

КЕКСА МИЛИЦИОНЕР ХОТИРАЛАРИДАН

ВАШИНШИЛАР ОПА-СИНГИЛАР

Тонг саҳарда Шимолий Фарғона каналининг ўзанларини кузатиб юрган мироб даҳшатли манзарага дуч келади. Воқеа жойига етиб борган ходимлар ҳам бир муддат қўл, оёқлари, боши кесилган жасадни кўриб лол қолишади. Олиб борилган дастлабки оператив ишлар натижасиз бўлди. Бир неча кундан сўнг мурданинг қўл, оёқлари топилди. Ҳатто ўлиқнинг танасидаги «Зина-нада», «Бог с нами» деган ўйма ёзуви ҳам бирон янги маълумот бермади.

Ушбу жиноий иш менга топширилди. Сирли, шафқатсизларча қотиллик ҳақида ўнлаб таҳминларни ишлаб чиқдим. Аммо бари асосиз эди. Вақт эса ўтмоқда. Шундай бошим қотиб турган пайтда қабулимга бир аёл кириб келди. Ҳатто ўлиқни ўтириди ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

— Нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?
— Беш кун бўлди эрим уйга келмаганига.

— Эрингиз ним, қаерда ишлайди?
— Фамилияси Шчербаков. Ҳа, йилдан бери 11-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлайди.

— Уришмаганмидинглар?
— Йўқ, яхши яшардик. Илтимос, топишга ёрдам беринг!

— Баданида ҳеч қандай белги, ёзув йўқмиди?
— Йўқ.

Л. Листопадованинг ташрифи менда шубҳа уйғотди. Биринчидан, унинг йиғиси сохта бўлиб, гаплари ҳам самимий эмасди. Ниманидир яшираётгандек. Иккинчидан эри йўқолган бўлса олтинчи куни хабар берадими, айнан бугун келишида ҳам бир сир бор. Яна бир томони канал бўйидаги кўчада яшаркан.

Мен шу заҳоти автокорхонага отландим. Директорнинг ҳузурига кириб, ҳайдовчиси Шчербаков ҳақида сурштирдим.

— Тўғри, олти кундан бери ишга чиқмайди. Ҳали яқинда хотини ҳам келиб-кетувди.

— Шчербаковни яхши билармидингиз?
— Йўқ.

— Ҳамкасблари орасида уни яхшироқ биладиганлар борми? Шулар билан суҳбатлашимизга ёрдам берсангиз.

— Вижонидил. Аммо улар бугун маршрутда. Эртага ўзларини қабулингизга юбораман.

Сўнгра Шчербаков яшаган маҳаллага йўл олдим. Қўни-қўшнилари у ҳақда яхши фикрлар билдиришди.

— Николайни ёш бола дердик. Жуда хушмуомала, хушчақчақ, қачон қарама, ити билан ўйнар, кулгани-кулганди. Икки-уч кунда маст бўлиб келар, аммо сира шовқин-сурон кўтармасди.

Унинг яланғоч юрганни сира кўрмаганмиз, — дейишди улар.

— Охириги марта беш-олти кун аввал кўргандим, — дея гап бошлади қўшнис Т. Попов. — Озгина кайфи бор эди. Ҳар галгидек биз билан гаплашди, ити билан ўйнади ва уйига кетди. Дарвоқе, ўша куни тунги соат иккиларда ташқарига чиқсам, жуда бадбўй ҳид келаверди. У ёқ-бу ёққа қараб куйган нарсани кўрмадим. Кампирим ҳам ташқарига чиқиб шу гапни айтиб кирди. Ҳатто эрталаб ҳам ўша ҳид сезилиб турувди.

Қўшнилари Л. Листопадова ҳақида бирон яхши фикр билдиришмади.

Эртаси куни ҳайдовчи Н. Толстов ва Ф. Тенгеровларга марҳумнинг баданидаги ёзувлар кўрсатилди. Улар таъна Шчербаковники эканлигини тасдиқлашди.

— У ояласи билан қандай яшарди? Балким бу ҳақда бирорталарингиз билан ўртоқлашгандир. — деб сўрадим.



— Кейинги вақтларда у хотинидан гумонсираб юрарди, — гап бошлади Толстов, — Людмиланинг аввалги эри қамалганди. Қамолдан Людага «Эрингизни йўқот, йўқса икковингни ҳам қўшмозор қиламан», — деб ёзган хатини топиб олганини Николай айтганди. Шчербаковнинг гапига қараганда Людмила опаси Лариса билан уруш йиллари Украинадан Тошкентга эвакуация қилинган экан. Опа-сингилни бир кампир ўз бағрига олган. Қария Ларисани ҳамшираликка ўқитади. Ўқини таомлаб, Кулагин деган йигитга турмушга чиқариб. Кейинроқ Людмила ҳам Листопадовга эрга теккач, Лариса боқиб, тарбиялаган кампирни ўлдирди. Уйини сотиб кетмоқчи бўлганида қўлга тушиб, ўн йилга кесилади.

— Кейин-чи, кейин? — сўрадим мен.

— Бу орада Листопадов ҳам ўғирлик қилиб қамалиб кетади. Людмила эса Николай билан қонунсиз яшай бошлайди. Лариса ҳам жазосини ўтаб қайтгач, улар билан яшайди. Ҳозирги уйларины Николай қўрган. Бироқ бир сафар опа-сингиллар уйга харидор топиб, 40 минг сўмга сотмоқчи бўлишган. Харидор уй Шчербаковнинг номида эканлигини билгач, айниган.

Толстовнинг гапларига асосан жиноятчи Людмила ёки Лариса. Шунга асосланб Людмиланинг уйда тингув ўтказишга махсус рухсатнома олдим. ЖКБ бошлиғи Қ. Мамажонов билан у ёққа отландик. Ҳеч қандай ашъвий далиллар топилмади. Шу пайт қўшнилари қўланса ҳид ҳақидаги гаплари ёдимга тушди. Хонадаги голланд печкасининг қопқоғини очиб, кулини пахта туширдик. Кул ичидан одамнинг олти дона тиши чиқди. Қандайдир доғ излари қолган чойшабни ҳам олиб, Тошкентга экспертизага юбордик.

Олдинга Людмила ҳеч нарсани билмайман, деб оёқ тиради. Печкадан чиққан тиш ва чойшабдаги қон изларининг бир одамга — марҳумга тегишли

эканини тасдиқловчи экспертиза ҳулосалари кўрсатилиб, уйни сотиб олмоқчи бўлган Б. Маҳмудов юзлаштирилгандан кейингина айбига иқрор бўлди.

— Тўғри, Листопадов хатида яқинда қутилиб келишини, ажрашиб (Николай билан) бошқа жойга чиқишимни тайинлаганди. Мен уни Ларисага кўрсатиб, маслаҳат сўрадим. Опам Николайга вақтинча чиқиб кетишини, акс ҳолда бирон кориҳол рўй беришини тўшунтирди. Бироқ у ўзи қўрган уйдан чиқмаслигини айтди. Лариса ўзидан кўрсин, ўлдирамиз, деди. Мени ҳам бунга мажбурлай бошлади.

Уша машғум тунда соат иккилар чамаси эди, Мени туртиб уйғотди. Қарасам қўлида болта, важоҳати кўрқинчли. Николай эса донг қотиб ухлаб ётарди. Мен у-бу дегунимча бўлмай болта билан Николайнинг бошига туширди. Хушидан кетганини билгач, катта жомни олиб келдида, бошини четга қийшайтириб чопиб ташлади. Осилган каллани пичоқ билан кесиб менга узатди.

— Ма, печкага ташлаб, куйдириб юбор.

Сўнгра икки қўли ва икки оёғини ҳам кеса бошлади. Танани алоҳида-алоҳида қопларга тиқиб, каналга оқизиб келдик. Биз Тожикистонга сқиб ўтиб кетса, ҳеч ким тополмайди, деб ўйлагандик.

Қотил ҳижоясини тугатар экан, бошини қуйи эгди.

Мен дарҳол Лариса Кулагинани ҳибсга олиш чорасини кўрдим. Опа-сингил ҳибсга олиниб, барча ҳужжатлар расмийлаштирилганда, вақт алламаҳал бўлиб қолганди.

Кўп ўтмай Наманганда жумҳурият Олий Судининг очиқ мажлиси бўлди. Лариса Кулагина олий жазога, Людмила Листопадова эса 10 йилга маҳкум этилди.

Маматимин СОДИҚОВ, истеъфодаги милиция полковниги.

ҚУРОЛЛАР

ҚАЙТАРИЛЯПТИ

Зомин тумани ИИБ ходимлари аҳолидан ноқонуний сақланаётган қуроолларни аниқлаб, тортиб олиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бу соҳада Ленинград, «Қизил чорвадор» давлат хўжаликлари ва Дуоба қишлоғида ўтказилаётган тадбирлар диққатга сазовордир.

— Бошқа ҳудудларда ҳам аҳоли ўртасида тез-тез тушунтириш ишлари олиб боряпмиз, — дейди ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Барот Шеронов. — Бу ҳаракатларимиз самарасиз кетмапти. Фуқаролар ана шундай қурооллари бўлса, кўп ҳолларда ўз ихтиёрлари билан келтириб топширмоқдалар. Табиийки, бундай кишилар жавобгарликка тортилмайдилар.

Аммо шони курмаксиз бўлмаганидек, баъзилар қонунга номувофиқ равишда ва яна гаразли мақсадларни кўзлаб, ўз қуроолларини яширмоқдалар. Афсуски, қинғир ишнинг умри қисқа бўлишини тушуниб етмаляптилар. Насора, ундайлар қилмишини барибир фаш этишимиз ва белгиланган тартибда чора кўришга мажбур бўламиз.

Ҳозиргача туман ИИБга топширилган қурооллар сони 52 дона бўлди.

Илҳом ЮНУСОВ.

Эркин Пўлатов ички ишлар идораларидаги илк фаолиятини 1970 йилда оддий милиционерликдан бошлаган. Ушанда у милиция кичик сержанти эди. Очиққўнгил, доимо хушчақчақ юрадиган йигит хизматининг сир-асрорларини ана шу ерда ўрганди. Ва бир умрга бу касбнинг этагидан тутганини англади. Қизиққонлиги, тиришқоқлиги туфайли узоқни кўзлади. Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётига ўқишга кирди.

Ўз хизматига сидқидилдан ёндашиб, ҳалол ишлаётганини кузатган раҳбарлар масъулиятли лавозимларга ишонч билан тавсия эта бошлашди.

1982 йили Тошкент вилояти ИИБнинг сиёсий тарбиявий бўлимида ишлаётган Эркин Пўлатов кўнгилли равишда Афғонистон урушига йўл олди. 1984 йил, савр. Халқ хўжалиги моллари ортилган автомашиналарнинг узундан-узун қатори Маймана шаҳрига бешикаст етказилиши шарт. Бир неча миллион тонналик юкларни ортган 500 га яқин машиналар тизими комиссар Э. Пўлатовнинг тўла жавобгарлиги остида аста йўлга чиқди.

Атрофда сукунат. Гоҳ-гоҳида кичкина қишлоқлар кўриниш беради. Ўзга юртда ҳам баҳор бир хил тароват улашади. Майин эсан ел қандайдир таниш ҳидларни димоққа уради. Қирлар, даралар кўм-кўк либосини кўз-кўз қилади. Шундай гўзал заминда уруш бўлаётганига ишонгинг келмайди. Мана бу

ҲАМИША

САФДА

ерда яқингинада озмунча қонлар дарё бўлиб оқмади. Ҳа, қани энди дилингдаги хавотир, аҳтиёткорлик ва бошқа-бошқа оғир туйғуларни йиғиштириб қўйсангиз бир оз одамдай майсалар узра чўзилсанг. Оҳ, қани эди-я!

Ҳойнаҳой юртимда ҳам ҳозир ҳаммаёқ ям-яшилликка бурканаётгандир. Бунчалар ўхшаш бўлма-са-я. Нақадар...

Аммо автоматдан отилган ўқ унинг хаёлларини бўлиб юборди. Демак яна жанг. Эркин дарров рақибни олиб кучларни қарши ҳужумга йўналтира бошлади. Икки томонда отишма авжга чиқди. Портлатилган автомашиналарнинг ёнгинага чидаб бўлмасди. Гоҳ аччиқ дуддан йўталалётган, гоҳ яраланиб инграётган аскарларнинг шовқин-сурони қулоқни қоматга келтирарди.

Жанг кечгача давом этди. Тун чўккачгина отишма тинди. Эркин қолган-қутган уловларни бир жойга йиғишга ҳаракат қилди. Алоқа ишдан чиққан, тирик жонни юбориш эса хатарли эди. Барибир уларни тўплаш керак.

Тонг ёришмасдан ҳалқани ёриб ўтишни мўлжал қилган командир зудлик билан кучларни тайёрлай бошлади. Колонна ғира-ширада шаҳд билан олға интилди. Отилган ўқ одам танламайди. Шундай бўлди ҳам. Улардан бири Эркин кетаётган машинани портлатиб юборди. Аммо инсоннинг иродаси баъзан кўп нарсадан устун келаркан. Контузия олган командир то колонна ҳалқани ёриб ўтмагунча йигитларни ўз ҳолига ташлаб қўймади. Қуршов ортда қолгандан кейингина Эркин ҳушидан кетди.

Бир неча ой даволанди. У бор иродасини тўплаб оёққа туришга, яна сафга қайтишга ҳаракат қилди. Қайтди. ИИБда аввал йўриқчи, сўнгра Коммунистик тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаб бошлади.

Ана шунда милициянинг «қора ишларида» орттирган тажрибаси қўл келди. Оддий милиционерларнинг хизматини нақадар оғирлигини билган раҳбар уларга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилди. Ҳозир Эркин Пўлатов



нафақада. Бироқ фаолиятини тўхтатиб қўймаган. Тиниб-тинчимаслиги туфайли ўзи елиб-югуриб ҳам-фикрларини тоғач, жумҳурият Афғонистон фахрийлари Кенгагини тузди. Айни пайтда бу Кенгагининг раисидир.

Жасорати ва матонатини учун ўндан ортиқ орден ва нишонлар билан тақдирланган Э. Пўлатов раҳбарлигидаги Кенгаш урушда, хизмат бурчини ўтаётиб ҳалок бўлган жангчилар оилаларига, ногиронларга баҳоли қудрат ёрдам беришнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ушбу тантана арафасида ҳамон милицияда ишлаганидан фахрланиб юрувчи Эркин Пўлатовни касб байрами билан табриқлаб, унга ва оила аъзоларига бардамлик, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

М. ИБРОҲИМОВА.

Хурматли «Постда» рўзномаси ходимлари!
Менинг дадам Ҳакимжон Расулжонов Бўка тумани ИИБда 26 йил хизмат қилганлар. Ҳозир қариллик гаштини суриш билан биргаликда туман ИИБнинг идорадан ташқари соқчилик хизматида қоровул бўлиб ишламоқ-

КУТЛАЙМИЗ!

да. Укамиз Маҳмуд Расулжонов отамиз киздан борди. Мана бир неча йилки, ИИБда.
Бизлар яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан отамиз, укамизни табрикла-

моқчимиз. Уларга рўзномангиз орқали узоқ умр, сикатсаломатлик тилаймиз.

Шу билан бирга Бўка тумани ИИБ ва барча милиция ходимларини байрам билан қутлаб, энг яхши эзгу тилаклар билдирмоқчимиз.
ЗУЛУМОР, ШАҲНОЗА ва ФЕРУЗА.



ЯХШИ куй юраки сел қилади, яхши кўшиқ кўнгил умонини тоширади. Беихтиёр ҳазин куй оғушида ажиб ёғариб ҳаёлларга чўмасиз, беихтиёр шўх кўшиққа берилиб шодон рақс тушасиз. Инсон руҳияти нақадар сехрли! Эғнида милиция формаси, қўлида тор билан камтарона жилмайиб турган бу йигитни Фарғонада жуда кўпчилик танийди. Исми шарифи Салимжон Ҳикматов, Шаҳар ИИБ ДАНБ ходими милиция катта сержанти. Юрагида афгон тупроғининг ғубори бор.
Қуролдошларини, ўша кунлар суронларини эслаганда, юрагининг сир-синоатлари ўз чегарасини бузганда у қўлга тор олади, кўшиқ куйлайди.
Бизнинг тилагимиз шу: кўшигингиз эзгуликни, софликни баралла куйласин, Салимжон!

Сурат муаллифи Ғулумжон УБАЙДУЛЛАЕВ.

ОДОВНИ ОДОВСИЗДАН УРГАН!

ИНСОН НОМИ ТОПТАЛМАСИН

Трамвайга лайча кўтариб бир йигит чиқди. Бўш ўриндикка ўтирган ҳамон кучукчасини силаб-сийпалай кетди. Ҳаммининг кўзи ўшанда. Кимдир жониворнинг тумшугини ўпаётган бу ўрис йигитни сўқди, биров ижирганиб нари кетди. Тушадиган пайтда эса йигитча лайчасини силаган қўллари билан ўриндикларни, тепа тутқичларни ушлаганча олдинга юрди. Таъби нозик йўловчилар уни нафрат билан кузатиб қолдилар.

Автобусга чиққан йигит ўзи ўриндикка ўрнашиб олгач: — Эличка, иди сюда, — деб кимнидир чақирди.
Бир қиз яқинлашдида, йигитнинг тиззасига ўтирди. Улар ўпиша кетдилар.
— Уғлим, ундай қилма, уят бўлади, — деди бир нуруний.
— Бу менинг хотиним. Қонуний. Тушундингизми? Ишингиз бўлмасин, — деди йигит сурбетларча.
Хотини эса қовоқларини уюб олди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

«ПОСТДА»—БИЗ ИСТАГАН РЎЗНОМА

Мен «Постда» рўзномаси чоп этилаётганлиги хусусида ҳеч нарса билмасдим. Бир кун дўкондан ойнома ва рўзномалар харид қилаётсам, сотувчи шу рўзнома ҳам борлигини айтиб, олишимни маслаҳат берди. Очиги, «Постда» номини биринчи эшитаётган эдим. Уша кундан бошлаб ҳар бир сонини ўқишга ҳаракат қилиб бораман. Алмо

баъзан сотувда тугаб қолади. Узимга ёқиб қолган рўзномани муттасил ўқиб бориш ниятида келаси йилга обуна бўлдим. Мен бошқаларни ҳам ушбу рўзномага ёзилишини истардим. Чунки ундаги воқеа-ҳодисалар тегиншли хулоса қилишга, қадамимизни ўйлаб босишга чақиради.

Жамила ЖУРАЕВА.

БИЗНИНГ ШВАРЦЕНЕТТЕР

Ҳикоя қилмоқчи бўлганим — шаҳрисабзлик милиция лейтенанти Эркин Холиқов ҳақиқатан ҳам спортни жондилдан севади. Бу ҳақда сал кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир Э. Холиқовнинг таржимаи ҳоли билан қисқача танишиб чиқсак.

Эркин ишчи оиласида униб-ўсди, тарбия топди Унинг отаси (Ҳафиз ака 1984 йили қазо қилганлар. У кишини худо раҳмат қилсин) оддий, заҳматқаш, меҳнатқаш инсон эди. Фарзандлари тарбиясига жуда эътибор берар эдилар.

Эркин ўрта мактабни тугаллагач, Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқиди. 1982 йилдан Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиетида (ҳозирда ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи) таҳсилни давом эттирди.

Э. Холиқовнинг ҳаётида ҳарбий хизмат йиллари катта из қолдирди; мутахассислиги бўйича — ҳарбий прокуратурада суриштирувчи вазифасида ишлади.

Хизмат давомида анчагина катта тажриба ортириб қайтгандан сўнг Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлимида участка вақили лавозимига ишга қабул қилинди. Шу йилнинг май ойидан эса терговчи вазифасида.

Икки фарзанднинг отаси. Жиддий, камтар йигит.
Юқорида айтганимдек Эркин спорт билан мунтазам, қаттиқ шуғулланади. Илк бор Уст-Каменогорск шаҳрида ўтказилган самбо кураши бўйича ёшлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида иштирок этиб, ССЖИ спорт устаси унвонини олишга мушарраф бўлди. Бу муваффақият унинг спортдаги кейинги ҳаётида катта турт-



ки ўринни босди.

Йиллар ортидан йиллар ўтаверди. Улар Эркин учун омад, қувонч, обрў келтирди. Яхшиси, рақамларга мурожаат қилайлик.

Эркин Уст-Каменогорскда самбо бўйича спорт устаси бўлганди. Қўқон шаҳрида ўтказилган (1979 йил) Бутуниттифоқ турнирида эса эркин кураш бўйича ССЖИ спорт устаси бўлди.

1980 йили Олмалиқда курашнинг яна бир тури — дэю-до бўйича ССЖИ спорт устаси унвонини олди.

1983 йили Москвада ССЖИ халқлари спартакиадасида совринли ўринни эгаллади.

1985 йили Вильнюс шаҳрида самбо бўйича ССЖИ кубоги учун ўтказилган биринчиликда чемпионлик шоҳасида кўтарилди. Шу йилнинг ўзида ССЖИ чемпионатида ҳам қатнашиб, энг кучли спортчи эканлигини қайта исботлади. Улан-Батордаги халқаро турнирда ҳам ўз ўринини ҳеч кимга бўшатмади.

Бундай кетма-кет муваффақиятлар Эркинга ижобий таъсир қилмасдан қолмади, албатта. Тинимсиз меҳнат унга хорж дарвозаларини ҳам очиб берди.

ҲИЛОЛАНИ КИМ КЎРГАН?

Қирғизистон Жумҳурияти Уш шаҳар ИИБ томонидан 1976 йилда туғилган, шу шаҳарнинг Жийдалик кўчасидаги 85-ўйда турадиган, 80-ўрта мактабининг тўққизинчи синфида ўқийдиган Қаммова Ҳилола Ҳамидуллаевна қидирилмоқда.

Ҳилола шу йил 1 ноябрь кунин соат 12 ларда уйидан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Алоҳида белгилари йўқ бўйи 168 сантиметр, қош-

кўзлари қора, сочи узун, ўта вазмин ва камгап қиз.

Уша кунин у оқ кофта ва юбка, нулранг костюм кийган. Оқ сумкасини кўтариб олган [сумкада тўқ жигарранг тўқилган матодан тикилган кўйлагини ҳам ўзи билан олиб кетган].

Ҳилолани кўрган ёки қаердалигини билган фуқаролардан «02» рақамли телефон орқали ўзларига яқин ички ишлар бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмаханаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД Республикаси Ўзбекистон 26399 нусхада чоп этилди.